



20 20 у. « 30 » июль

№ Қ-355

«    »    20    г.

Узун тумани Ж.Пирназаров СИУ худудидан  
“UZUN GRAND CHORVA” фермер хўжалигига  
“Молхона, қоровулхона, бостирма ва маъмурий  
бино” қуриш учун ер майдони ажратиш  
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 июлдаги 05-02/468-сон йиғилиш баёни, Узун тумани ҳокимининг 2020 йил 08 июлдаги 01-05/223-сон хатини кўриб чиқиб,

### Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 июлдаги 05-02/468-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Узун тумани Ж.Пирназаров СИУ худудидан “UZUN GRAND CHORVA” фермер хўжалигига қишлоқ хўжалик харитасининг 122қ ва 123қ-дала контурларидаги жами 1,0 гектар, шундан 0,6 гектар яйлов ер ва 0,4 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари “Молхона, қоровулхона, бостирма ва маъмурий бино” қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “UZUN GRAND CHORVA” фермер хўжалиги 0,6 гектар яйлов ер майдони “Молхона, қоровулхона, бостирма ва маъмурий бино” қуриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 8 030 916 (саккиз миллион ўттиз минг тўққиз юз ўн олти) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Узун тумани ҳокимлиги (Б.Турсунов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокимининг  
биринчи ўринбосари



**Р.Пардаев**